



Оқимидан



Ishonch

Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 5-noyabr, seshamba № 134 (3327)

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ — ЮКСАК САМАРА ГАРОВИ



Наманган юридик коллежида 2582 нафар йигит-қиз ҳуқуқшунослик, ижтимоий муҳофаза қилиш ҳуқуқшуноси, ҳўжалик масалалари бўйича ҳуқуқшунос йўналишларида тахсил олмақда. Замонавий тарзда жиҳозланган ўқув-масгулот хоналари, спорт зал, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминланган ахборот-ресурс маркази, ётоқхона, ошхона ёшлар ихтиёрида. Таълим масканида юзга яқин фан тўғрақлари, ўн учта спорт секцияси ишлаб турибди.

Коллежда вилоятда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар, муассасалардаги мавжуд бўш иш ўринлари бўйича бурчак ташкил этилган. Ундаги маълумотлар доимий равишда янгилаб борилади. Яратилган бундай шароитлардан унумли фойдаланаётган ёшлар турли фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ва танловларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Суратда: Наманган юридик коллежи ўқувчиси Нигора Энвилова.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (Ўза) олган сурат

2013 йил — Обод турмуш йили

2009 йил 3 августда Президентимиз томонидан қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор ижросини таъминлаш доирасида юртимизда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Қишлоқда замонавий уй-жойлар

Қорақалпоғистон Республикасида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жой массивлари кўзни қувонтиради. Бу ерларда қад кўтараятган чиройли иморатлар, шинам ва кўркам маиший хизмат кўрсатиш марказлари, бозорчалар, савдо ўринлари, мактаблар, болалар майдончалари, кенг ва раван кўчалардан дил яйрайди.

Обод турмуш йилида Қорақалпоғистонда намунавий лойиҳа асосида 550 та турар жой барпо этилиши кўзда тутилган. Оролбўйи аҳолисининг уй-жойга бўлган талаби эътиборга олинди, ҳар бир туманда маҳсус массивлар ажратилди. Ушбу массивлардаги юзлаб хонадонларда ҳовли тўйлари ўтказилди.

— Янги қуриляётган иморатларда ҳиссамиз борлигидан фخرланамиз, — дейди «Турон Каттагар» МЧЖ тайёр маҳсулотлар бўлими раҳбари Анварбек Караматов. — Сабаби, қурувчилар пойдеворга қўйиладиган бетон ва бионинг томини ёпадиган темир-бетон маҳсулотларининг бир қисмини бизлардан харид қилишди. Буюртмачиларнинг талаб-истакларини эътиборга олган ҳолда, хоҳлаган ўлчамдаги бетон ва темир-бетон маҳсулотларини сифатли тайёрлаб бериш имкониятимиз бор.

Маҳаллий хом ашёлардан тайёрланган сифатли ва арзон нархдаги қурилишбоп материаллардан фойдаланиш бугунги куннинг талабига айланиб бормоқда. Қурилишга бетон ва темир-бетон маҳсулотларини юқори сифатда етказиб бериш учун «Турон Каттагар» МЧЖда барча шароитлар етарли. Йигирма тонналик юк кўтарадиган қранлар, буг камералари, вибростоллар ишчилар ихтиёрида.

Ҳар бир қурилишбоп бетон ва темир-бетон маҳсулотлари буглаш камераларида 80-100 градуслик иссиқликда 8-10 соат тобланиши лозим. Акс ҳолда, қурилиш материалларининг сифатига путур етади.

— Корхонамиз йилига ўн минг метр куб қурилиш материалларини ишлаб чиқариш қувватига эга, — дейди «Турон Каттагар» МЧЖ бош ҳисобчиси Алишера Қўчқоров. — Ҳар йили икки-уч минг метр куб бетон ва темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқаряпмиз.

Воҳамизда барча қулайликларга эга замонавий лойиҳада барпо этилаётган турар жойлар йил сайин кўпаймоқда. Демак, юртимизда ободлик кенг қўлам ҳезиб, тўйлар байрамларга уланади.

Ортакбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Обуна — 2014

Шу кунларда барча босма нашрларга обуна жараёни қизгин давом этмоқда. Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тизимидаги тармоқларда ҳам мазкур жараён уюшқоқлик билан бошлаб юборилган.

Уюшқоқлик билан

— Одатдагидек, бу йил ҳам босма нашрлар обунасига пухта тайёргарлик кўрган ҳолда киришдик, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ромитан туман кенгаши раиси Шавкат Қудратов. — «Ishonch» ҳамда «Ishonch-Доверие» газеталарига йиллик обуна бўлди. Бинобарин, мазкур нашрлар фаолиятининг талаб даражасида юртишимиз учун бизга яқин маслаҳатчи ва ҳамкор. Ҳар бир сондаги ранг-баранг, қизиқарли мақолаларни ўқиб, завқ оламиз. Обунанинг намунали ташкил этилишида Манзура Нарзиева, Рустам Рўзиев, Хайрилло Зирриллаев сингари фаолларимизнинг хизмати катта бўлаяпти. Тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Райхон Носированинг таъкидлашича, Шофиркон, Жондор, Когон, Пешку, Олот ва Ғиждувон туманларида ҳам Федерация кенгаши нашрлари қатори «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Қишлоқ ҳаёти», «Оила даврасида» каби қатор газеталарга обуна қизгин ўтказилмоқда.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга ошириляётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ислохотлар, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида олиб бориляётган ҳаракатлар тўғрисидаги ҳаққоний рағбатлантиришга катта аҳамият тўлақонли етказилишида муҳим ўрин эгаллаган босма нашрларнинг ҳар бир жамоага етиб боришини таъминлашга астойдил ҳаракат қилияпти.

И. ҲОЖИЕВ

Яқинда ҳаётимизда қувончли воқеа юз берди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нарпай туман кенгаши навбатдан ташқари йиғилишида кенгаши раиси вазифасига сайландим. Аъзолар ишончига муносиб бўлишга ҳаракат қилаяпман.

Ҳамиша кўмакдош

Кенгашимизда 135 та бошланғич ташкилотга 11 134 нафар аъзо бирлашган. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли иш олиб боришмоқда. Пахта йиғим-терими мавсумида фаол ҳашарчи ва пахтакорларни рағбатлантиришга катта аҳамият берилди. Шу кунларда бахтимиз қомуси бўлган Конституциямиз қабул қилинган кунни муносиб қутиб олиш борасида тарафдор бўлаб юборилган. Туман прокуратураси, маҳаллалар ҳамда «Қамолот» ЕИҲ ҳамкорлигида «Сиз Конституцияни биласизми?», «Қомус — эл номуси» сингари учрашувларни ҳар бир муассасада ташкил этиляпти.

Эзгу амалларимиз, аввало, ишончли оқлашга қаратилгани билан муҳим. «Ishonch» газетаси мамлакатимиз мустақиллигининг тенгдоши эканлиги ҳам унга бўлган муносабатга таъсир этмай қолмайди. Нашр бизга ҳаммиса кўмакдош. Шунинг учун ҳам 2014 йил учун обуначиларимиз сони анча ўсди. Муштарийлар қизиқишининг орта бориши қайсидир маънода биз учун ҳам аҳамиятли.

Обрўй САЛОҲИДДИНОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нарпай туман кенгаши раиси

Сайлов очиқлик асосида ўтади

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари, сайловни ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар вакиллари, маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

Семинарда жорий йил 22 апрелда қабул қилинган янги тахрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти ҳамда унинг ижроси доирасида амалга ошириляётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда сайловни қонунга мувофиқ тарзда ташкил этиш ва унинг ҳаққонийлигини таъминлаш, фуқаролар вакилларининг йиғилишларини ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратиш масалалари юзасидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар зиммасидаги вазифалар белгиланди.

Ўза

Кун тартибиде: оила маънавияти масаласи

Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳаммиса эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Ислол КАРИМОВ

Эзгулик қўрғони эътиборда

Миллатнинг чинордай бақувват илдиз отиши, қуёшдек жаҳонга нур таратиши учун оилалар мустаҳкам бўлиши керак. Негаки, оила ва жамият тараққиётнинг бир-бирига туташ икки ҳалқасидир. Жамият тараққиётини оилалар камоллисиз, оила баркамоллигини жамиятсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Конституциясининг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенглиги асосланади», деб ёзиб қўйилган. Дарҳақиқат, эзгулик қўрғони бўлган оила инсонни барча ёмонликлардан асраб, оила ва саодат манзилига олиб боради. Бирбутунлик, миллат ва маънавият каби улкан тушунчаларнинг асос-эътибори оилалар бошланади. Оиланинг султони ота

лаштиришга оид ишлар кўлами ортди. Айни пайтда ёш оилаларга имтиёзли тарзда ипотека кредитлари ажратилиши, уларни доимий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш,

оиланинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёшларнинг тиббий маданияти ва саводхонлигини юксалтиришга оид чора-тадбирлар янада кенгайтирилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги улкан эътибор ва ғамхўрлик баркамол авлоднинг воғга етказиш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда турли арзимас сабаблар билан ёшлар ўртасида никоҳнинг бекор қилиниши ҳолатлари ҳам учраётгани ачинарлидир, албатта. Бу, аввало, ёшлардан, уларнинг ота-оналари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаолларидан оиланинг жамиятдаги нуфузини оширишдаги бурч ва масъулиятни теран англашни талаб этмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томо-

надан «Оилани асраш — баркамолнинг муқаддас бурчимиз» мавзусида ташкил этилган давра суҳбатига оила муқаддаслиги, унинг мустаҳкамлигини таъминлаш, ёш оилалар маънавийтини ошириш, ёшларнинг оилага масъулигини кучайтириш каби масалаларга эътибор қаратилди. Шунингдек, оилавий ажримларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш, йўл қўйиляётган лоқайдликларни бартараф этиш борасидаги вазифалар ҳамда қўриладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Оила» илмий-амалий маркази, ҳуқуқ-тартибот идоралари, диний ташкилотлар вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, маданият ва санъат намоёндалари иштирок этган, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда Президентимиз Ислол Каримов раҳнамолигида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилгани таъкидланди.

(Давоми 4-саҳифада).

ЖИЗЗАХ

2015 йил охиригача «Жиззах» маҳсус иқтисодий-индустриал зонасида спорт иншоотлари учун сунъий майса ва қопламаларни ишлаб чиқарувчи-корхонани ишга тушириш режалаштирилмоқда.

ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Podrobno.uz сайтининг хабарига кўра, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган сунъий қопламалардан футбол майдонлари, теннис кортлари, гольф майдончаларини таъминлаш, болалар майдончалари, боғ ва уйолди худудларини, кўрғазма мажмуалари ва бошқа жойларни кўкамлаштирашда фойдаланилади.

Лойиҳанинг умумий қиймати икки миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан 900 миң доллар технология уқуналарини сотиб олиш учун йўналтирилади. Энг муҳими, мазкур корхона ишга тушган, ҳар йили 2,3 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва маҳаллий аҳолидан 30 нафар иш билан таъминланади.

«Туркистон-пресс»

СУРХОНДАРЁ

Бойсун туманида кун сайин корхоналарнинг кўпайётгани турмуш фаровонлигига хизмат қилаётди. Тадбиркор Неъмат Абдуллаев «Бойсун текст» корхонасини очганига кўп вақт бўлгани йўқ. «Агробанк» туман филиалидан олинган 850 миллион сўм кредит эвазига хориждан келтирилган энг сўнгги русумдаги замонавий тикув ва тўқув дастгоҳлари туфайли сифат ва самарадорлик кескин ошди.

ТИКЛАНАЁТГАН «БОЙСУН ТЕКСТ»

Бугунги кунда 50 та замонавий тикув машинаси ёрдамида ҳар бир тикувчи кунига 40-50 тадан кўрпа ва ёстиқ жилдлари, қоғазлар тайёрламоқда. Шунингдек, жамоа раҳиб қисмлар бюртмасини бажариб келмоқда. Яқинда томонлар ўртасида яна 600 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб бериш бўйича шартнома имзоланди.

Корхонада меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг аксарияти касб-хунар коллежларини битирган ёшлардир.

Ўз мухбири

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

«Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ташаббуси билан «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари тиббий кўрикдан ўтказилди.

ТИББИЙ КЎРИК

Ҳозирда Қорақалпоғистондаги 1-«Меҳрибонлик» уйида тўқсон беш нафар бола тарбияланмоқда.

— Болаларнинг саломатлиги доим диққат марказимизда. Улар йилига икки марта тиббий кўриқдан ўтказилади, — дейди «Меҳрибонлик» уйи шифокори Саида Мадаминаова. Чўқурлаштирилган тиббий текширув натижасида болаларда кузатилган айрим касалликларни даволаш ва уларнинг олдини олиш борасида шифокорлар ўзларининг қимматли маслаҳатларини беришди. Айниқса, жисмонан ва интеллектуал ривожланишда орқадан қолаётган, яъни буй ҳамда вазн ўсишида камчилиги бор ва нуқсонли нўқсонли бўлган болаларни алоҳида эътибор билан парваришлаш борасида тавсиялар берилди.

Ўз мухбири

Кува туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалиги деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, баликчилик, паррандачилик йўналишлари бўйича фаолият олиб боради. Умумий ер майдони 349 гектар бўлган хўжаликда бугунги кунга келиб 140 нафар ишчи меҳнат қилади. Жорий йилда давлатга 285 тонна дон топширилди. Хўжалиkning ўзига қолган 170 тонна доннинг 100 тоннаси ишчи ходимларга ҳамда хайрия ёрдами сифатида тарқатилди.



Фермер хўжалиги кўплаб хайрли ишларга ҳам баҳоли-қудрат ҳисса қўшиб келаяпти. Хусусан, ўтган йили Меҳрибонлик уйига 10 млн., кам таъминланган оилаларга 12 млн. сўм ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, Меҳр-мурувват уйига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бепул тарқатилди. Хозирги кунда фермер хўжалигини кенг тармоқли хўжалик тоифасига ўтказиш учун

саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Хусусан, жорий йилда иккита 100 тонналик музлатгич сотиб олинди. Хўжалик қошида сутни қайта ишловчи мини завод ишга тушиш арафасида. Шунингдек, хўжаликка қарашли сартарошхона, гўшт дўкони, пойабзал таъмирлаш устaxonаси фаолият юряпти. Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 15 бош зотли қорамоллар олиб келинди.

Бир сўз билан айтганда, Авазбек Тешабоев раҳбарлик қилаётган кўп тармоқли «Роҳатой» фермер хўжалиги энг рентабелли ва кўп тармоқли хўжаликлардан бири сифатида Фарғона вилоятида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. **Суратда: фермер хўжалиги раҳбари Авазбек Тешабоев.**

Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат

Касаба уюшмалари ҳаётидан

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V-Қурултойи ва «Обод турмуш йили» Давлат дастурига кўра, Кимё соҳаси бўйича республика бирлашган касаба уюшма кўмитаси тасарруфидаги бошланғич ташкилотлар ўз фаолиятини меҳнат аҳли манфаатларини ҳимоялашга қаратиб келмоқда.

Бағрикенглик

Ушбу хайрли мақсадларни амалга оширишда тармоқ касаба уюшмалари томонидан иш берувчилар билан ижтимоий шериклик тамойили асосида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган меъёр ва талабларни жамoa шартномалари орқали амалиётга жорий этиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилаётди.

Хозирда тизимдаги касаба уюшмалари ва иш берувчи ҳамкорлигида ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган кам таъминланган, ёлғиз кексалар, ёш оилалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, уларни

моддий ва маънавий рағбатлантириш, «Меҳрибонлик», «Мурувват», «Саховат» уйлари, мактаб-интернатларга ҳимойлик ёрдами кўрсатиш ишлари алоҳида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, тизим бўйича 1338 та кам таъминланган оила вакилларига турли кўринишдаги ижтимоий ёрдам, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 740 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, тармоқ мутахассислиги бўйича олий ўқув юрларида таълим олаётган 335 нафар талабанинг шартнома пуллари тўлаб берилди. Кам таъминланган 486 нафар оила фарзандлари соғ-

ломлаштириш оромгоҳларида бепул дам олдирилди. 300 нафарга яқин ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди, 210 нафар уруш ногирони ва нафақадаги меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатилди.


Жумладан, «Аммофос-Максам», «Максам-Чирчиқ» ОАЖлари томонидан ногиронлар, пенсионерлар, ётиб қолган касаллар, кам таъминланган, бokuвчисини йўқотган оилаларга озиқ-овқат тўплами етказиб берилди. «Андижон биокимё заводи» ОАЖ томонидан ҳимойликка олинган ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди, «Мурувват» уйига 200 дан зиёд иссиқ кийим-бош тўхта этилди. Бу каби хайрли ишлар «Навоий-зот», «Қўқонспирт» ОАЖлари, «Деҳқонобод калий ўғитлар заводи» УК, Тошкент Кимё технология институтини томонидан ҳам мунтазам равишда олиб борилаётган.

Н. МУЗАППАРОВА,
Кимё соҳаси бўйича республика БКУКнинг етакчи мутахассиси

Меҳнат муҳофазаси

«Хоразм иссиқлик манбаи» ОАЖда меҳнат қилаётган 300 дан зиёд ишчи-хизматчи ўз зиммасидаги масъулиятни яхши ҳис қилади. — Бунда яратилган қулай иш шароитининг аҳамияти катта. Қолаверса, фаолиятимиз талабидан келиб чиққан ҳолда меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди бошқарув раиси Анвар Умаров.

Учинчи ўрин... бу ҳали бошланиши



Корхона раҳбарияти ва бошланғич касаба уюшма кўмитаси томонидан ушбу масалани аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Уч кишидан иборат меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия аъзоларига 11 ходимдан иборат меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган вакиллар кўмакдош. Меҳнат муҳофазасига доир 117 та бурчак ташкил қилинган бўлиб, бу ишчиларни доим ҳушёрликка, огоҳликка чорлаб туради. Уларда соҳага оид низоом, буклет, умумий меҳнат қоидалари, техника хавфсизлиги йўриқномалари мавжуд. Ўтган йили ҳар бир ходим учун корхона томонидан меҳнат шароити ва муҳофазасини яхшилаш йўлидаги тадбирларга 51343 сўмдан сарфланди. Корхонанинг 280 нафар ходими сертифициланган махсус кийимбош, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Ходимлар белгиланган муддатларда тиббий кўриқдан ўтказиб турилади.

«Сига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди корхона бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Назокат Гапурова. — Жамиятда ҳар бир касб тури бўйича «меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги» йўриқномалари ишлаб чиқилган. Тракторчи, хайдовчи, кранчи лавозимида ишловчи ходимлар ҳар кун тиббий кўриқдан ўтиши белгилаб қўйилган. Бунинг учун жамиятимиз томонидан шартнома асосида шифокор ишга қабул қилинган.

Жамият қошида 2011 йилдан бери меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ходимларнинг касбий малакаларини ошириш бўйича ўқув маркази, доимий ҳаракатдаги имтиҳон комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Ўтган 6 ойда 17 нафар ходим малакасини оширди. Муҳими, ушбу чора-тадбирлар рағбатга лойиқ қўрилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилган «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўриктанловида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тармоғи бўйича учинчи ўрин кўлга киричти.

Муҳаббат Тўрабоева,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Тизимда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ишчи-ходимлар онига эзгулик, бағрикенглик, хурфидлик фазилатларини сингдириш, ўсиб келаётган ёш авлодин тарихий анъаналарга ва она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий гурурнинг шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маданий ҳордиқ

Шу мақсадда ходимлар ва улар оила аъзоларининг Республика кўчирчоқ, Ўзбекистон ёшлар, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали драма, Навоий номидаги давлат академик катта театрлари ташрифи уюштирилди. Навбатдаги маданий ҳордиқ Ўзбек Миллий академик драма театрига уюштирилади.

Лола ИСМАТОВА,
Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси

Ҳамкорликда ҳикмат кўп

Уйчи туманидаги «Отабой ўғли Отабек сулоласи» фермер хўжалиги мавсумни ёруғ юз билан яқунлаган пешкадамлардан. Мазкур хўжалиkning шинам шийпониди маданий тадбир ташкил этилиб, йил давомида фаоллик кўрсатган меҳнаткашлар касаба уюшмаси томонидан рағбатлантирилди.



Даладаги тўқинлик дастурхонга кўчади

Хўжалик аъзолари 33,1 гектар майдондан 48 центнердан ҳосил кўтаришди. Бу ишда механизатор Аҳмажон Икромов, сувчилар Раҳматулла Валиев, Олимжон Саидазимов, теримчилар Хадиджа Валиева, Саломат Эргашева, Саодат Ибрагимова каби илғорларнинг ҳиссаси катта бўлди. Шунингдек, Жийдакапа ҚФЙнинг 9 та

маҳалласидан ёрдамга чиққан 150 нафар ҳашарчи ҳам ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб олишда фаоллик кўрсатишди.

Ҳосил байрами дастурхони учун 300 кишилик ош дамлани. Уйчи маданият саройи бадий ҳаваскорлик жамоаси истеъдодлари иштирокида байрам дастури намойиш этилди.

Дала меҳнаткашларидан

95 кишига маъмурият ва Агрорасаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Уйчи туман кенгаши томонидан 6,5 миллион сўмлик совға тарқатилди. Мазкур совғалар орасида 6 та велосипед ҳам бор бўлиб, бу ишчиларнинг далага қатнашлари учун айна мундоо бўлди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Андижон томонларда

Битирувчилар ишли бўлди
Хонобод шаҳрида фаолият юритаётган «Андижонкабел» ОАЖ маҳсулотлар турини кўпайтириш, хусусан, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратмоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринлари яратилиши учун яхшигина омил бўлмоқда.

Яқинда иш бошлаган пайпоқ тўқш цехида 15 нафар коллеж битирувчилари иш билан таъминланди. Корхонада ёшлар учун барча меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган.

Импорт ўрнида
«Андижон электрорасаноат» ОАЖда янги лойиҳа асосида 100 ва 300 киловатт қувватга эга бўлган локал сув қозонлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Аваллари хориждан импорт қилинаётган маҳсулотларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилиши айна мундоо бўлди. Таҳриба тариқасида ўрнатилган дастлабки 85 та локал қозон сифат синовидан муваффақиятли ўтди. Айниқса, Асакадаги автомобилсозлик корхонасига ўрнатилган 1000 киловатт қувватга эга қозонлар истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Сифатига гап йўқ
Хонобод шаҳрида ишга тушган «Тяньшан» хусусий корхонасининг нон ва нон маҳсулотларини харидорлар севиб харид қилмоқда. Лойиҳа қиймати 5,7 минг АҚШ долларига тенг ушбу корхонада маҳалла ёшларидан 5 нафари муқим иш ўринларига эга бўлди.

Абдулҳай ЮНСОВ,
«Ishonch» мухбири

«Ободлик кўнгилдан бошланади» республика танловига

МЕНИНГ КАШФИЁТИМ!
Ўзбекистон халқ устаси Сирожиддин Раҳматуллаев билан илк бор Қорақалпоғистонда, «Асрлар садоси» фестивалида танишган бўлсамда, бамайхотир суҳбатлашишга имкон топмагандим. Кейинчалик вақт топиб, унинг Эшонгузардаги устaxonасига йўл олдим. Ичкарига киришим билан ховлида ўсиб ётган ноёб турдаги райхонларга, атиргул, лола, гулбеор, геран каби анвойи гулларга кўзим тушибди, Сирожиддин аканинг нафақат қўли, балки кўнгли ҳам гул эканлигига ишондим. Мўъжазгина устaxonада ёғочга ишлов бериб, бетакрор санъат асарлари яратаётган навқирон шоғирдларнинг ишини кузатгач, бу ерга келиб адашмаганимга амин бўлдим.



ҲАЁТИ ШАРАФЛИ, УМРИ ИБРАТЛИ!

1953 йили Зангиота туманида дунёга келган Сирожиддин болалигидан тасвирий санъатга меҳр қўйиб, эзгу орзулар билан вояга ета бошлади. Ундаги иштиёқни сезган отаси Рихситилла ака узоқ ўйлаб ўтирмай ўғлининг ўқишига розилик билдириб, оқ фотиҳа берди. Сирожиддин Республика рассомчилиги билим юртининг ёғоч ўймакорлиги бўлимида 4 йил таҳсил олиб, устози, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Ортық Файзуллаевдан хунар ўрганди. Ўз касбини севиб, ардоқлаб касбидан барака топди. «Ўзбекистон халқ устаси» деган юксак унвонга сазовор бўлди. Айна пайтда бир-биридан зукко шоғирдларни эл хизматига камарбаста қилиб тарбияламоқда.

Сирожиддин ака ҳар йили «Bazar Art»-да фаол иштирок этади. Шунингдек, Ўзбекистон Бадий академиясининг «Санъат ҳафталиги»-да муносиб қатнашиб, дипломга сазовор бўлган. Хозирги кунда «Usto» бирлашмасининг «Шарқона сайқал» бўлимида фаолият юритмоқда.

ХОТИРАЛАР ЖОНЛАНСА, ГЎЗАЛ

— Музейлардаги ёғоч ўймакорлиги буюмларини томоша қила туриб, бу ишлар қандай бажарилган экан, деб ўз-ўзимга савол берардим, — дейди Сирожиддин ака. — Тўрт йиллик таҳсил олиш жараёнида бунга жавоб топдим. Ёғочга ўйиб буюм ишладан олдин унинг шаклу шамойили, нақшлар услиби қоғозга, кейин ёғочга кўчирилади. Бизнинг миллий на-

қшларимиз асосан геометрия шаклидаги, зеркул услубидаги паргорий бўлиб, исмиий-печаксимон ўсимликлардан, табиятдан олинади.

Тошкентнинг

Бизда тош давридан буён ёғоч ўймакорлиги мавжуд. Шу давргача бу хунар маданийлашиб келган бўлса, айни дамда ўз чўққисига чиққан. Ёғоч ўймакорлиги халқ амалий санъати Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Бухоро ва Фарғона водийсида кенг ривожланган. Бирор буюм яратишда ёнғок, чинор, қайрағоч, ярик, нок ва қўктерак каби маҳаллий дараклардан фойдаланимиз. Бизнинг ўз қандамиз бор: ҳеч қачон мева солиб турган даракларни кесмаймиз.

УСТОЗ КЎРГАН ШОГИРД...

Усталик Даражашига етишимда устозим Ортық Файзуллаевнинг ҳиссаси катта. У жуда меҳнатқаш ва талабчан инсон. Хозирда саксондан ошган Ортық ака Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактаби асосчиларидан. Устозим билан мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биноси (1996-2011й), Имом ал-Бухорий, Нақшбанд меъморий мажмуалари, Мустақиллик майдонидаги «Хотира ва қадрлаш» мажмуаси, «Шаҳидлар хийбони», «Мовий гумбазлар» чойхо-

наси, «Ҳазрати Имом» меъморил мажмуаси, «Ўзбекистон» халқро анжуманлар саройи, «Маърифат» маркази каби кўплаб иншоотларда ёғоч ўймакорлиги ишлари билан қатнашганмиз. Хозирда йигирмадан ортық шоғирдим бор. Катта ўғлим Камолддин ҳам ота касбини давом эттиряпти.

ҲАР БИР КАСБНИНГ СИР-АСРОРИ БОР!

Устачиликда шуни сездимки, ҳамма ишининг бир жойи чала қолади. Буни бошқалар синчиқлаб қараса ҳам сезмаслиги мумкин, лекин ўзимга билинади. Бир кам дунё деганлари шу бўлса, ажабмас...

Янгилигим: Сирдарёнинг садаф-чиганокларидан нақш гулларига жило беришда фойдаланаялман. Яхши нажиза берапти. Бу садафлар кенаси узидан нур чиқаради. Чиганоклардан аввал мусиқа асбобларини ясашда фойдаланилган.

Касбимга вақт еткази олмаётгандекман. Ҳақиқий уста бўлгач, қилишим керак бўлган ишлар кўпайгандек. Кўпроқ исмиий нақшлар бўйича иш-

лайман. Бир ишимни бошқа такрорлашмаслига ҳаракат қиламан.

МАЛАЙЗИЯ КУВОНЧЛАРИ ВА САБОҚЛАРИ

2009 йили Куала Лумпур шаҳрида амалий санъат йўналиши бўйича 2 ой муддатда маҳаллий ўқитувчиларга дарс бердим. Уларнинг нақшлари Европа нақшларига ўхшаб кетар, яна Малайзия ёғочлари қизил бўларкан. Кутубхонага кириб, у ердagi мавжуд 50 хил ёғочдан 25 хили ўймага яроқли эканлигини аниқладим.

Бу касб эркакларнинг иши. Шунга қарамай, Малайзияда 70 фоиз аёллар шу иш билан шугулланишар экан. Хунарим орқасидан Франция, Германия, Польша, Малайзия, араб давлатларидаги кўрғазмаларда қатнашдим. Айниқса, Европа давлатларида бўлганимда, улар оғир кўл меҳнатидан иборат бўлишига қарамай, қичкина дастгоҳда ҳам мўъжизалар яратиш мумкинлигига қойил қолиб, тан беришди. Кўрғазмаларнинг ташкил қилиниши биз учун катта рағбат ва юқори чўққига чиқишимизга ёрдам бўлди.

Сўраган

ЭКОНСИЗ

Савол: Давлат рўйхатидан ўтмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган шахсдан қандай тартибда солиқ тўловлари ундирилади?

Н. ХОЛБОВЕВА, Тошкент шахри

ЖАВОБ: «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан ноқонуний фаолият юритаётган жисмоний шахсни аниқлаган солиқ хизмати ходими маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани расмийлаштириб, икки иш кунда солиқ ундириш тўғрисидаги талабномани фуқарога топширади.

Агар талабномани топширишнинг имкони бўлмаса, жисмоний шахснинг доимий яшаш манзилига почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Ноқонуний фаолият амалга оширилган жой фуқаронинг доимий яшаш жойидан фарқ қилганда, ҳуқуқбузарликни аниқлаган давлат солиқ хизмати органи маълумотларни ва маъмурий ҳуқуқбузарлик баённомасини икки иш кунда жисмоний шахснинг доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига юборади.

Доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органи жисмоний шахсга талабномани берган ёки бошқа давлат солиқ хизмати органи юборган маълумотларни олган кундан бошлаб уч иш кунда жисмоний шахсни ҳисобга олади ва унинг шахсий карточкасида қардорликнинг акс эттирилишини таъминлайди.

Қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини ҳисоблаб чиқаришда имтиёзлар қўлланилмайди.

Агар қатъий белгиланган солиқнинг доимий яшаш жойи бўйича ставкаси фаолиятни амалга ошириш жойидаги ставкасидан фарқ қилса, ушбу ставкалар ичидан энг юқориси қўлланилади.

Ноқонуний фаолият аниқланган санадан бошлаб ўттиз кун ичида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган жисмоний шахсга қатъий белгиланган солиқнинг ҳисобланган йиллик суммасини ўн икки ой давомида тенг улушларда ҳар ойнинг 25 санасига қадар бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади. Акс ҳолда, қардорлик суммаси бир йўла ундирилади.

Агар жисмоний шахс амалга оширган ноқонуний фаолият туридан фарқи равишда бошқа фаолият тури бўйича давлат рўйхатидан ўтган бўлса, рўйхатдан ўтган фаолият турига алоҳида солиқ ҳисобланган ҳолда, қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини ўн икки ой давомида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқи берилади.

Уч икки ой тугагунга қадар яқка тартибдаги тадбиркор фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатганда, қатъий белгиланган солиқнинг тўланмаган суммаси Солиқ кодексига мувофиқ мажбурий ундирувга қаратилади.

Шунингдек, йиллик ҳажмдаги қатъий белгиланган солиқнинг ҳисобланиши ҳуқуқбузарни маъмурий ёки жиноий жавобгарликдан озод этмайди.

Яқка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлмаган фаолият турларини амалга ошираётган жисмоний шахсларга нисбатан Низом қоидалари таъбиқ этилмайди.

Саволга Бектемир тумани ДСИ ЖШСС бўлими бошлигининг ўринбосари Н. МИРБОВЕВ жавоб берди.

Шундайлар бор бўлсин!

Эл ўртасида деновликлар бой-бадавлат, фаровон яшади, деган гап юради. Бунга қўшимча қилиб шунни айтиш керакки, деновлик қизларга уйланганларнинг ҳам рўзғори бут бўлади. Саросиёлик Абдусалом Ражабов деновлик Гулчехра Бобоева билан севишиб турмуш қурди.

Деновлик келин

Саросиёнинг Шохимардон қишлоғига келин бўлиб тушган Гулчехра мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериш жараёнида аввалгига қишлоғи болалари билан тил топишган бўлса, кейинчалик «Дашнобод» ва «Бобур» номли сув истеъмолчилари уюшмалари худудларидаги 20 мингдан зиёд аҳоли эътиборини қозонди. Хонадон-ма-хонадон юриб, эл кўнгли йўл топди. Улардан ишбилармонликни ўрганиб, тадбиркорликка қўл урди. Турмуш ўртоғи Абдусалом қўллаб турди. Эркин ишлари учун барча шароитни яратди. Рўзгорини оқиб қилиш учун Гулчехра Бобоева аввал «Хуршид» кичик корхонасини ташкил этиб, одамларнинг оғирини енгил қилди. Ошхона очиб, аҳолига умумий овқатланиш хизматини қўрсата бошлади.

Қончилик соҳасида ҳам анча тажриба тўплади. 2006 йили ер майдонини 42 гектарга етказиб, «Гўзал-Машина» фермер хўжалигини ташкил этди. 12 нафар тажрибали деҳқон жамланган аҳил жамоа пахта, галла тайёрлаш шартнома режаларини орттиги билан бажариб келишаётган. Айниқса, жорий йилда жамоа деҳқонлари эришган ютуқ баракали бўлди. «Крошка» навли бугдойдан 46 центнердан ҳосил олишди. 23 гектар майдонда чигит эккан фермер хўжалиги нафақат Саросиёда, балки Сурхондарёда биринчилардан бўлиб шартномавий режади бажарди.

Ишдаги ютуқларимизнинг боиси ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги тўла-тукис таъминланганлигидир. Ҳар ойда белгиланган иш ҳақини нақд ҳолда тўлаёмиз. Байрамларда ишчилар моддий рағбатлантирилади. Пахта йиғим-терим мавсумида Саломат Кучимова, Иқбол Бегалиева, Шаҳноза Ёқубова сингари фидойи

аъзоларимиз 1-1,5 миллион сўмгача иш ҳақи олишди. 10 тоннадан ортиқ донни ишчилар ҳамда Шохимардон қишлоғидаги кам таъминланган ва боқув-чисини йўқотган оилаларга имкониятимиздан келиб чиқиб тарқатдик. Мавсумда дала бошида иссиқ овқат, чой ташкиллаш-тирдик. Ҳар бир ишловчи иш кийими билан таъминланди. Уларнинг дам олиши учун барча қўлайликларни яратганмиз, — дейди «Гўзал-Машина» фермер хўжалиги бошланғич касба уюшмаси ташкилоти раиси Н. Кўзимов. Энг муҳими, Гулчехра Бобоева тадбиркор, тажрибали фермер сифатида 20 нафардан зиёд кишини иш билан таъминлаб, уларнинг рўзгорини оқиб қилмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Матбуот анжумани

Миллий матбуот марказида «Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий сўғурта компанияси томонидан аҳолига кўрсатилаётган сўғурта хизматлари турларини янада такомиллаштириш, имтиёз ва афзалликлар яратиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Сўғурта хизмати кенгаймоқда

Анжуманда «Ўзбекивест» ЭИМСК Бош директори ўринбосари Жамшид Ризаев компания фаолиятининг 9 ойлик яқунлари ва эришилган ютуқларга тўхталиб ўтди.

«Ўзбекивест» ЭИМСК маҳаллий сўғурта бозорига етакчи ўринларни эгаллаб келаётган компаниядир. Бугунги кунда у ўз миқозларига умумий сўғурта соҳасининг мажбурий ва ихтиёрий сўғурта турлари бўйича 90 дан ортиқ сифатли сўғурта маҳсулотларини тақлиф этмоқда.

— Бугунга келиб миқозларга тақдим этилаётган сўғурта хизматлари сони 90 дан ортиқ бўлиб, улардан 40 таси айнан жисмоний шахслар учун мўлжалланган, — деди «Ўзбекивест» ЭИМСК Сўғурта маркази менежери Сайфулло Мирзоев. — Жорий йилнинг 9 ойи давомида жисмоний шахслар билан қарий 76 мингта сўғурта шартномалари тузилди, хизматлар ҳақми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130 фоизга ошди. «Ўзбекивест» компанияси мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишини қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган сўғурта хизматлари ҳажми 117 фоизга ўсди. Компания томонидан аҳолига қўлай ва мақбул нархлардаги сўғурта хизматларини тақдим этиш мақсадида «Менинг оилам», «Менинг уйим», «Менинг автомобилим», «Менинг соғлигим» ва «Менинг бизнесим» номли ихчам, оммабоп ва кам-ҳужжат талаб этиладиган сўғурта маҳсулотлари ишлаб чиқилди ва компаниянинг барча филиаллари орқали тақдим этиб келинмоқда.

«Le Grande Plaza» меҳмонхонасида «Эҳтиёманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам қўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар» деб номланган Европа Иттифоқи лойиҳасининг очилишига бағишланган анжуман ташкил этилди.

Фаровонлик йўлида

Анжуманда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Баситханова сўзга чиқиб, янги лойиҳанинг мақсад ва вазифалари Республика Хотин-қизлар қўмитасининг низом ва устувор йўналишларига ҳамроҳлигини таъкидлаб ўтди.

Маъмур лойиҳанинг асосий мақсади — маҳаллий даражада эҳтиёманд оилалар учун даромад манбаларини яратиш ҳамда бу борада давлат ва жамоат таъкидотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Лойиҳа ижроси 22 ойга мўлжалланган бўлиб, республика ҳудудидаги Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги «Кўча-Оқтепа» маҳалласи, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги «Гулзор» ва Қўбрай туманидаги «Зебунисо», Сирдарё вилоятининг «Фурқат» ва «Борухов» маҳаллаларини қамраб олади. Танлаб олинган 5 та маҳаллада аҳолига тадбиркорлик йўналиши бўйича ахборот, таълим ва маслаҳат хизматлари кўрсатилади, 520 нафар ишсиз хотин-қизлар тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқув дастурларига жалб этилади. Шунингдек, 120 нафар хотин-қизга тадбиркорлик фаолиятини бошлашда амалий ёрдам кўрсатилади.

Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегация раҳбари Юрий Штерк Институционал ривожлантириш ва ҳамкорлик дастури доирасидаги маъмур лойиҳа Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга, хусусан, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хисса бўлиб қўшилишига умид билдириди.

— Лойиҳа эҳтиёманд оилаларнинг моддий фаровонликка эришишига қўллаб-қувватлаш, — дейди Учтепа тумани «Оқтепа» маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аъзоси Нафиса Ҳақимова. — Шунингдек, лойиҳа доирасида тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган аёлларга турли-тўғри амалий ёрдамлар кўрсатилади.

Анжуманда лойиҳани амалга ошириш учун ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди ва «Микрокредит-банк» ОАТБ, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Тадбиркор аёл» уюшмаси ушбу жараёнда доимий ҳамкорлик қиладиган бўлди.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «Ishonch» мухбири

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти фаолияти ва вазифаларига бағишланган матбуот анжуманида жамиятнинг масъул ходимлари, минтақавий ташкилотларнинг тажрибали мутахассислари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Меҳр бор жойда...

Давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ёрдамга муҳтож фуқароларга қўллаб-қувватлаш, турли табиий, экологик офатлар, техноген фалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фақуллода вазиятларда хайрия ёрдами кўрсатиш жамиятнинг асосий мақсад ва вазифаларидандир.

Меҳнат ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан қўшма чора-тадбирлар режаси қабул қилиниб, унинг бажарилиши борадида жамиятнинг 170 нафар меҳр-шафқат ҳамшираси 3033 нафар ақка-ёғлиз, узағлар қарамонига муҳтож фуқарога уйда хизмат кўрсатиб келаётган. 2013 йил давомида аҳолининг муҳтож, кам таъминланган қисмига 140 мингдан зиёд турли қўриқдаги табиий, ижтимоий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Жамият ҳомийлигида бўлган 14232 нафар фуқарога 400 млн. сўмдан зиёд моддий ёрдам берилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тузилган ҳамкорлик келишуви мувофиқ борадида қўшма ишлари амалга оширяпти. Чунки, қон ва унинг компонентларига республикада эҳтиёж катта. Шу сабабли, бу иш билан доимий равишда шуғулланиб келинмоқда. Лойиҳа доирасида 100 дан зиёд учрашув, тренинглр ўтказилиб, уларда 10 мингдан зиёд аҳоли иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Фарғона, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида замонвий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган марказлар муҳтож фуқароларга табиий ва ижтимоий ёрдам берилб келмоқда.

Фақуллода вазиятларга тайёргарлик қўришда ҳам муайян ишлар амалга оширяпти. Жамият ташкилотлари 644 санитар дўжина ташкил қилиб, уларга услубий ёрдам бериб келмоқда. Вилоятларда ўтган турли семинарларда биринчи табиий ёрдамга 12 мингдан зиёд фуқаро ўргатилди, 300 дан зиёд маҳаллада амалий машғулот ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, жамият аҳоли ўртасида биринчи табиий ёрдам қўриқларини шакллантириш, табиий-ижтимоий хизматлар қўрсатиш, инсонпарварлик ёрдами, бегараз донорлик тарғиботи каби йўналишларда фаол иш олиб бораётган.

Анжуманда журналистларнинг саволларига батафсил жавоб берилди.

Ўз мухбири

Ўтганларнинг охирати оқиб бўлсин

Қашқадарё вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, «Шуртан газ-кимё мажмуаси» УШК директори Алишер Султоновга онаси ЛЮДМИЛА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

Қашқадарё вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жағмармаси Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Январ Иноятовга онаси Милохат ИНОЯТОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

Милохат ИНОЯТОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

ТИНЧЛИК МЕВАСИ

Эришаётган ютуқларимизни юрти-миздаги тинчликнинг меvasи, деб биламан. Ёғоч ўймакорлиги ўтган асрнинг 70-йилларида жуда орқада эди. Устозлар ёрдамида кайта тикладик. Хорижга чиққан пайтлар юртимизнинг ҳам ўшандай ривожланишини орзу қилганмиз. Ҳозир солиштирсам, ўзгаришлар жуда катта. Баъзи жиҳатларда улардан ўзиб ҳам кетганмиз.

Аввал четга чиқиш фақат орзу эди. Давлатимиз мустақилликка эришгач, 1994 йили Малайзияда 1 ойлик, яна шу йили Мирзо Улугбек бобоимизнинг таваллуду муносабати билан Париж-

рўқач қилиб, фарзанларини қаровсиз қолдирмасин...

КИТОБЛАР ҲАҚИДА...

Китобларни кучли фантазия билан ўқийман. Мутулаа жараёнида воқеани хаёлан саҳналаштириб бораман. «Юлдузли тунлар», «Икки эшик ораси» романлари сюжетлари кўз олдимда муҳрланиб қолган. Ҳозир одоб-ахлоқ ҳақидаги китобларни кўп мутулаа қилаялман. Тарихий асарларни ўқишга қизиқаман. Мустақилликнинг ilk йилларида «Ўзбекистон тарихини ўқиб чиқиб, кимлигимизни ва кимнинг авлоди эканлигимизни англадим.

УСТА ҲАҚИДА

Аввал бизга умуман «бошқача» тарих ўқитилган экан...

УСТА-ШОГИРДЛАР ТАҚДИРИГА ЖАВОБГАР

Эсимда, 1-синфда ўқиб юрган пайтларим менда санъатга қизиқиш пайдо бўлди. Ота-онамнинг қўллаб-қувватлагани боис бугунги муваффақиятларга эришдим. Аммо кўп ёшларнинг ўзи хоҳлаётган ишни қилолмай, ота-она мажбурияти билан касб танлаганини кўрдим. Устахонага 14-15 ёшдаги болалар ота-оналари билан келишади. Уларнинг бу касбга иштиёқи бор-йўқлиги 1-2 ойда билинади. Баъзилари умуман қизиқмайди. Агар ҳар бир бола ёғоч ўймакорлигига 1 фоиз қизиқса, уни 100 фоизга етказиш менинг бурчим.

Шоғирдларимга нақш чизишдан, буюм биттунича бўлган жараёни мияридан-сирингача ўргатаман. Кейин бошқа усталар назаридан ўтгач, фотиҳа берилади. Қанча вақтда етук уста бўлиш уларнинг фаолиятларига боғлиқ. Бу 3-4 йилда ҳам, икки йилда ҳам амалга ошиши мумкин.

Абдулла Жамил, Миркомил Турган. Шу хунарга меҳрим сабаб, «Келажак овози — 2012» ёшлар республика танловининг вилоят босқичида 3-ўринни олдим. Устозимнинг оқ фотиҳаси ва ўзимнинг меҳнатим билан етук уста бўлиш ниятим бор.

— Сирожиддин аканинг ҳаммага бирдек муносабати бўлишига қойил қоламан, — дейди устанинг она бир шоғирди Фаррух Каримов. — Мен бу йил Асатилло Хужаев номли Республика Дизайин коллежининг бадий ёғоч ўймакор устаси раҳоматини битирдим. Диплом ишим диаметри 60 см.ли уйма лаганини ясаш эди. Лаганининг гуллари ва нақшларини Сирожиддин ака ёрдамида чизиб, ясадим. Ислимий нақшлардан фойдаландим ва муносиб баҳо олдим. Бунинг учун Сирожиддин Раҳматуллаев ҳамда коллеждаги устозим, ёшлар мураббийси Фуломжон Йўлдошевдан бир умрга миннатдорман.

БОЛАЛАР ВА БОЛАЛИК ҲАҚИДА

Ҳозирги болалар тайёр пишган ошнинг ичида юришибди. Ҳамма нарсага имконияти бор. Биз болалигимизда ўйинчоқ машиналарни уйнаганимиз орзу қилганмиз. Болалик катта эътиборни талаб қиладиган давр. Истагим, ҳеч бир ота-она тирикчиликини



Тадбиркор оила

тадбиркор Хуршида Ҳақбердиева. — Оиламиз билан тадбиркорликни бошладик. Энг муҳими, фарзандларим ёнимда. Улар ҳам меҳнат билан банд. Корхонамиз томонидан тайёрланаётган ёнғоқли паҳлава, асалли, қатламали тортилар ҳамда бир неча турдаги

ширинликларимиз миқозларга манзур бўлмоқда. Харидорлар сони кун сайин кўпаяётган. Бу эса фаолиятимизни янада кенгайтиришга умидаяпти. Насиба ИСМАТОВА, «Ishonch» мухбири. Муаллиф олган суратлар

БИР ЙИЛДАН СЎНГ...

«Интилганга толе ёр», «Яхши ният — ярим мол» деб шунга айтишса керак. 2013 йилнинг 22 августига Сирожиддин ака ва шоғирдлари қалбига қувончли кун сифатида муҳрланди. Ёш ав-

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада).

Маълумки, оилавий тотувликни таъминлаш, айниқса, ёш оилаларнинг мустақкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маблаҳат кўрсатишда жамоатчиликнинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қўслаб бўлмайди.

Азалдан зиёлилар оила мустақкамлиги, тотувлиги учун энг масъул кишилар саналган. Маънан етук бу инсонлар аҳоли орасида таълим-тарбия ишларини олиб борган. Оила фаровонлиги ва тотувлигига хизмат қилувчи бу каби қадриятлар асллар кейин ўз самарасини бериб келмоқда. Бугун ҳам халқ эъзозидан бўлган зиёлилари-

миз маҳалла ҳаётида фаол иштирок этаётдилар. Чунки, халқаро майдонда гоёвий таҳдидлар авж олиб бораётган бир даврда маънавий-маърифий ишларни қучайтириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳаётга онгли муносаба-

қариш органлари ва ундаги диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг оқилона иши юриштириш ёш оилалар мустақкамлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

ёки хотиннинг касаллиги, энг ачинарлиси, айрим йигитларнинг ичкиликбозлик, гижванликка берилиб кетиши, қайнона ва келин муносабатларининг бузилиши натижасида келиб чиққан.

ларнинг тарбияси жамиятнинг оғрикли нуктасига айланади.

Давра суҳбатида сўзга чиққан фаол аёллар оила мустақкамлигини таъминлаш борасидан мустақиллик йилларида кенг қамровли иш-

да таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, ота-оналарнинг ҳам фарзандлар келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этиши, тўйларни ихчам, ортиқча дабдабасиз ўтказиш юзасидан фикр алмашилди.

Тадбирда оиланинг мустақкамлигини таъминлашда маҳаллалардаги яраштирув комиссиялари, хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини янада қучайтириш, коллеж ва лицейларда ёшлар билан бу борада суҳбатлар ташкил этиш, бунда тегишли ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Комила БОЙМУРОВА, Амина КОДИРОВА, «Ishonch» мухбирлари

Эзгулик қўрғони эътиборда

тини шакллантириш, мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишда маънавияти юксак фаолларнинг фидойилигига кўп нарса боғлиқ.

Бу жараёнда мамлакатимиздаги 10 мингга яқин қарорларнинг ўзини ўзи бош-

Тахлиллар шуни кўрсатадики, ажралиш ҳолатларининг 18 фоизи оилалардаги келишмовчиликлар, 22 фоизи ўзаро муҳаббатнинг йўқлиги, феъл-атворнинг тўғри келмаслиги, қолганлари эса рўзгордаги муаммолар, эр-

лар сабаб эр ва хотин акасида, янги ҳаёт бўсағасида турган йигит-қизлар билан оилани муқаддаслиги, жамият олдидаги бурч ва мажбуриятлар, соғлом авлоднинг шакллантиришда тиббий кўрикларнинг афзаллигини алоҳи-

лар амалга оширилганини, янги ҳаёт бўсағасида турган йигит-қизлар билан оилани муқаддаслиги, жамият олдидаги бурч ва мажбуриятлар, соғлом авлоднинг шакллантиришда тиббий кўрикларнинг афзаллигини алоҳи-

Мушоҳада

Халқимизда марҳумлар қабрини зиёрат қилмоқ ибратли удулардан саналиб келинган. Ғам-андух қийнаганда дарё бўйига бор, деган нақл маъносини ўзинишга олиб боради. Ана шундай битиклардан бирини Соҳибқирон Амир Темур қайдларидан айнан келтирмиш: «Азизу авлиёлар, саҳобалар макбараларини, қутлуғ қадамжоларни зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз билур эдим. Қайда бўлмай, зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб, таҳорат олгач, яланг оёқ билан бориб зиёратни ўринлатдим. Арқону давлат, барча мулозимларим ҳам зиёратгоҳларни ана шундай таваф этмоқни одат қилишди...»

Аждодларга таъзим муносиб

Ана шундай синовларда тобланган сара аъналаримиз, афсуски, шўролар даврида камситилди. Айримлари тақиқланиб, онгу шууримиздан чиқариб ташлашга уринилди. Қабристонларимиз қаровсиз ҳолга келиб қолди. Муборак қадамжоларимиз эса дорихона-ю, омбухоналарга айлантилди.

Юртимиз истиқлолга эришгач, қанчадан-қанча тарихий, диний ва маданий қадриятларимиз қайта тикланди. Утганлар хотираси улуғланиб, қабристонларимиз ободонлаштирилмоқда. Мамлакатимизда 7500 дан ортиқ тарихий обидалар давлат рўйхатига олинганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу борада амалга оширилаётган эзгу амаллар кўлами бисёр.

— Худудимизда юзга яқин қабристонлар мавжуд бўлиб, кейинги 2-3 йил ичида уларнинг барчаси ободонлаштирилди, — дейди Нарпай туман бош имом хатиби Йўлдошмурод хожи Туропов. — Тез-тез тозалик шанбакилари ўтказилади. Хўжакарсон, Ҳазрати Кўката зиёратгоҳлари тубдан таъмирланиб, ободонлаштирилди. Бу борада туман «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, шахсан унинг вакили Жамила Норбоеванинг жонқурлиги катта бўлмоқда.

Ободлик кўнглидан бошланади, дейдилар. Эл орасида хайрия ишларига хайрихоҳлар ҳам кўплаб топилади. Хўжакарсон зиёратгоҳининг таъмирлаш ишлари бошланганда «Олтин мерос» жамғармаси томонидан ажратилган 3 млн. сўм маблаг шунчаки ишбоши сифатидаги қийматни ташкил этди. Қолган ишларга фаол жонқурларнинг ўзлари бош-қош бўлишди. Айниқса, Каттакўрган шаҳридан ҳолис ниятда ташир буюрган уста Ботир Рўзиев, Шарим Ашуров қабилир, аввало, ўзларидан яхши бир эсдалик қолдириш ҳақида ўйладилар. Натжида, зиёратгоҳга олиб чиқадиган пиллапояли йўлакларга пилталар ётқизилди.

Шу билан бир қаторда, билиб-билмай йўл қўйилган айрим хатоликлардан бироз ҳаёлга толасан, киши. Бундан икки ойлар илгари Кармана туманидаги «Қосим шайх» мажмуасини зиёрат қилиш учун боргандик. Шу ердаги қабристонга дафн қилинган узокроқ қариндошимиз қабрини мрамар тошлар қўршоғида адаштириб қўйдик. Марҳумнинг ўлига кўнгилик қилиб, ниятимизни маълум қилгандик, хижолат торганча шу гапни айтди: «Иш билан бўлиб, шунча йил орасида мазорбошига боролмадик. Мен ҳам онажоним қабрини аниқлай олмасам керак-ов...». Ана ҳолос...

Аждодлар хотирасига нисбатан лоқайд кишилар ҳамма жойда ҳам топилади. Бир аллома бу борада шундай деган экан: «Сен ота-онанг, қариндош-уруғларинг, таниш-билиш марҳумлар қабрларини таваф этдингми, бу савобли тадбир ўзингга ҳам қайтади. Йўқса, йўқ!». Зеро, дунёнинг ўзи шундай ҳисоб-китобли яратилган. Шу йўсиндаги фикрларга ҳотима беравкан, шарқнинг аллома шоири Саъдий Шерозий «Игна билан қудуқ қозолмасанг, бок, Қабристонга кириб битта чироқ ёқ» дея хитоб қилади.

Элчилик-да, баъзи қабристонларда майитларни табақалаб қўмиш, жой талашини сингари удумимизга хос бўлмаган ҳолатларга ҳам дуч келиб қоламиз. Ягона нишона тоши ўрнига, 4-5 бўлакли нодир мрамар кескиларидан ҳайбатли қурилмаларни қабр бошига ўрнатиш ҳоллари кундан-кунга авж олиб бормоқда. Лекин, ақидамизда бундай одат йўқ-ку! Мозорга суратлар, таърифли мисралар келтирилган тошлар ўрнатиш ҳам, бундай ўйлаб қаралса, эриш туюлади. Ҳатто, дунёдан норасида кетган гўдакка хашаматли ёдгорлик тоши тиклаш ўринлимикин?! Бир пайлар элга катта хизмат қилган табаррук кишиларнинг қабрлари ана шу «хашаматлар» соясида пайҳонсифат кўринишда қолса яхшими? Азиз юртдошларимизнинг бу ҳақда яна бир бор ўйлаб кўришларини истардик.

Мозористонларни улуғ зиёратгоҳ деб билар эканмиз, истиқимизки, бу маскан бора-бора тошлоққа эмас, майса-ғилларга, яшил дов-дарактларга буркансин. Зеро, доимо йўқлаб туриладиган, супуриб-сидириладиган қабригина жаннат ҳуснини бергусидир.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири



Навоий шаҳридаги 20-мактабга таълим муассасида тарбияланувчиларга замонавий андазалар асосида инглиз тили ўргатишмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш ти-


зимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда. Замонавий ўқув анжумлари билан жиҳозланган мазкур масканда жажжи ўғил-қизлар инглиз тилига оид илк кўникмаларни қизикarli ўйинлар, савол-

жавоблар, кувноқ шөър ва ашулалар, кўргазмали воситалар ёрдамида ўзлаштирилмоқда.

Суратда: Навоий шаҳридаги 20-мактабга таълим муассасида.

Сирож АСЛОНОВ (Ўза) олган сурт

Тақдимот



Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбекино» Миллий агентлиги бююртмаси асосида «Санъат-Маъно» студиясида тасвирга олинган «Пойга» бадий филмининг тақдими ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда филм режиссери Абдувоҳид Фаниев, бош роллар ижрочилари Матқуб Матқонов, Игитали Мамажонов, Асал Шодиева ва бошқалар филмининг тарбиявий аҳамияти, тасвирга олиш жараёни, ушбу лойиҳага қўл уришдан асосий мақсад нима эканлиги хусусида сўз юритишди.

«Пойга»да ким ғолиб?

— Баъзи кимсаларнинг юқори тезликда машина ҳайдаб, кўнгилсизликларга сабаб бўлаётгани сир эмас. Бунга қарши ички ишлар органлари томонидан таъсирчан чоралар кўриляпти, албатта. Бундай безориликларнинг оқибати яхши бўлмаслигини қўрсатиш учун ҳам ушбу мавзуга қўл урдик, — деди Абдувоҳид Фаниев. — Бир сўз билан айтганда, филмимизда оила, фарзанд тарбияси, инсондаги ватанга, касбга бўлган муҳаббат каби жиҳатларни очиб беришга ҳаракат қилдик. Бунга маълум маънода эришдик, деб ўйлайман. Лекин ҳақиқий бахони ҳаммаша томошабин беради. Улар филмдан нимадир олса, таъсирланса, бу бизнинг ютугимиз.

Тегишли ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда тасвирга олинган филмда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими ҳаётдан ҳикоя қилинади. Оиласини қанчалек яхши кўрмасин, у ички ишлар ходими эканлигини ва елкасида катта масъулият турганлигини ҳис этиб яшайди. Шаҳарнинг у хизмат қилаётган ҳудудидан бир гуруҳ ҳуқуқбузарлар яширин тарзда машиналар пойғасини уюштириб, одамларнинг тинчини бузаётгани маълум бўлади. Ҳамкасблари билан биргаликда безориликни қўлга олиш режасини тузганда, бу ишга ўзининг севимли қизи ҳам аралашиб қолади. Шундан сўнг воқеалар қутқилмаган тус олади...

Умуман, «Пойга»да пойғачилар эмас, инсонийлик, оиладаги меҳр-оқибат, ўзбекона тарбия ғолиб келади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири



«Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ

Сизларни Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодексининг 369-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 110-моддасини 15-қисмига асосан қуйидаги мол-мулкни сотиб олиш юзасидан оммавий оферта савдосига таклиф этади.

Хоразм вилоят Хўжалик судининг 2011 йил 24 март кунги 22-1106/1199-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф қилинган «Хоразмқурилиш» МЧЖ кредиторларининг 2013 йил 29 октябрдаги 33-сонли йиғилиш қарорига ҳамда «Хоразмқурилиш» МЧЖ тугатиш бошқарувчисини 2013 йил 4 ноябрдаги 264-сонли хатига асосан «Хоразмқурилиш» МЧЖга қарашли бўлган Урганч шаҳар Й.Бобожонов кўчаси 8-уйда жойлашган умумий ер майдони 720,82 кв.метр бўлган 2 қаватли «Маъмурий бино» ва умумий ер майдони 986,68 кв.метр бўлган «Ердами бино»лар билан боғлиқ бўлган кўчмас мулк бино ва иншоотлари ҳамда ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва улардаги бевосита боғлиқ бўлган бошқа турдаги мулклар билан бошланғич баҳоси 506 058 000 сўмда қўйилмоқда.

Оммавий оферта савдосини асосий шартлари:

- Мол-мулклар (кўчмас мулк ва бошқа турдаги мол-мулклар мажмуаси) нинг қиймати бошланғич баҳодан кам бўлмаган миқдорда сотиб олиш;
- олди-сотди шартномасини оммавий оферта савдосида ғолиб бўлган қуни имзолаш;
- олди-сотди шартномаси бўйича мол-мулк учун тўловларни энг кам муддатларда амалга ошириш.

Оммавий оферта савдосини ўтказиш санаси, вақти ва жойи:

Тақдим этилган конвертлар 2013 йил 20-ноябр кун соат 11.00 да комиссия томонидан очилади ва оммавий оферта савдоси бўлиб ўтади. «Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ (манзили: Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уй).

Ушбу мол-мулклар 2013 йил 20 ноябрдаги савдода сотилмай қолган тақдирда, тақрибий савдолари 2013 йил 22, 26-ноябр кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш тамом бўлиш санаси ва вақти:

Таклифларни қабул қилиш савдо бошланишидан олдин яъни 2013 йил 19, 21, 25-ноябр кунлари соат 18.00 да тўхтайтилади.

Оммавий оферта савдосида қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда чопар ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда бююртманомани икки нусхада тақдим этади:
- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ воқолатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ воқолатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ воқолатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.
Мазкур оммавий оферта савдоси бўйича энг фойдали таклиф билдирган талабгор савдо ғолиби деб топилади.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, «Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига бошланғич баҳосининг 10 фоиз гаров пули тўлаган ҳолда рўйхатдан ўтишлари шарт. Ҳисоб рақами 2020800804935791001 АТИБ Ипотeka банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302101924.
Телефон: 8(362)-226-88-87. Расмий сайтимиз: www.uy-joy.uz Лицензия RR-0054.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev
Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov,
Baxtiyor Mahmadvilov,
Oksana Belausova, Sog'indiq
Niyetullayev, Eson Rajabov,
Jahongir Sharofboyev
(Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan. ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 hosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.
Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

Manziliz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
Nashr ko'rsatkichi:
133
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
N.Rafiqov
Navbatchi:
U.Ibodinov
Musahhib:
S.Shodiyeva
Boshqaga topshirish vaqi -18.00. Topshirildi -19.45
E-mail: ishonch2012@gmail.com
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov
«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etiladi. Korxonani nashr: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.